

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2025 йил июль ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман суди ўз биносида очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: туман судининг раиси У.М.Солиев,

Судья ёрдамчиси-Д.Холдаровнинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Пахтаобод туман прокурорининг ёрдамчиси А.Халимов, судланувчи М.Рустамов ва унинг ҳимоячиси-Пахтаобод тумани “Adolat asosida” адвокатлик бюроси адвокати О.Абдуллаевларнинг иштирокида, Рустамов Музаффар Мамажоновичга оид 1-1712-2501/167-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Рустамов Музаффар Мамажонович (Rustamov Muzaffar Mamajonovich), 1976 йил 7 апрелда Пахтаобод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2000 йил 13 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми “д” банди, 110-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 117-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2007 йил 12 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 6 йил 4 ой 5 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2007 йил 27 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

3) жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2007 йил 26 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

4) жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2022 йил 26 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан 1 йил озодликни чеклаш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2022 йил 18 ноябрдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддаси



3-қисмининг “а” бандига асосан ўталмаган 7 ой 4 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатида илгари шартли озод қилинган (ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган), 2-гуруҳ ногирони, Пахтаобод тумани, Чорбоғ МФЙ, Истироҳат кўчаси, 31-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 4 апрелда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят ишида тўпланган далилларни суд мажлисида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Рустамов Музаффар Мамажонович кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир қилган.

Жумладан, 2025 йил 7 апрель куни соат 23<sup>00</sup> ларда Пахтаобод тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, Пахтаобод тумани, Чорбоғ МФЙ ҳудудида турган фуқаро Н.Мансуровнинг бошқарувидаги “GM UZ NEXIYA” русумли 60 W 621 VA давлат рақамли автомашинанинг олди ўриндиғида ўтирган судланувчи М.Рустамовани пастки қисми холисларни иштирокида кўздан кечирилганида, у ўзи ўтирган ўриндиқнинг пастки қисмидан 1 бўлак соф оғирлиги 3,57 грамм кўп миқдордаги гашиш гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай ўзининг истеъмоли учун қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, ушбу кўп миқдордаги гашиш гиёҳвандлик воситаси ва автомашинанинг орқа ўриндиғидан гашиш гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиш учун мўлжалланган 1 дона елим баклашка ашёвий далил тариқасида олинган.

М.Рустамов Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган.

М.Рустамовнинг айби дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар мажмуи билан тасдиқланди.

Хусусан, судланувчи М.Рустамов судда, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, ёлғиз яшашини, ота-онаси вафот етганини, турмуш ўртоғи билан ажрашганини, наша ва гашиш гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиб туришини, гиёҳвандлик воситаларини сотиб олишга пули йўқлиги учун Андижон тумани ҳудудидаги адирликларда ёввойи ҳолда ўсган наша ўсимлигини териб олиб келиб, тайёрлаб, истеъмол қилиб келишини, 2025 йил 7 апрель куни соат 15<sup>00</sup>ларда таниши Нодир уйини чақириб келганини, шунда уйда усталар ишлаётган эканини, Нодирга бугун туғилган куни эканини айтганида,



ўтириш қилиб беришини айтганини, кейин Ўткирни “Нексия” русумли автомашинасига ўтиришиб, Маданият МФЙ марказига боришганини, Ўткир у ердаги спиртли ичимликлар дўконидан 0,5 литр ҳажмдаги ароқ сотиб олганини, ўша ердаги ошхонага кириб овқатланиб Ўткир иккиси спиртли ичимлик истеъмол қилишганини, кейин соат 23<sup>00</sup>ларда ошхонадан туриб Ўткирни машинасига кетишганини, Маданият МФЙ марказидаги истироҳат боғига бориб тўхташганида, ёнларидан Миллий гвардия ходимлари ўтиб кетаётганини кўриб, мастлиги учун бақир-чақир қилиб юборганини, Миллий гвардия ходимлари уларга машинани орқасидан ҳайдашларини айтганини, уни эса ўзларини машинасига ўтиришини айтганини, Нодир уларни орқасидан “GM UZ NEXIYA” русумли 60 W 621 BA давлат белгилиги автомашинасини ҳайдаб туман ИИБга боришгани, ИИБ ходимлари Нодирни машинасини холисларни иштирокида кўздан кечиришганида, у ўтирган ўриндиқнинг пастки қисмидан оқ рангли целлофан пакетга ўралган 1 бўлак ўткир ҳидли сақичиман модда ҳам автомашинани орқа ўриндиғидан 0,5 литр ҳажмдаги ости тешилган (баклашка) идиш борлиги аниқланиб, улардан ушбу нарсани нима эканини сўрашганида Нодир билан Ўткир нима эканлигини билмаслигини айтишганини, ундан сўрашганида оқ целлофан пакетга ўралган ўткир ҳидли моддани гашиш гиёҳвандлик воситаси эканини, баклашкани эса уни истеъмол қилиш учун тайёрлаганини, Нодир ва Ўткирни бунга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтганини, кейин ушбу гашиш гиёҳвандлик воситасини холисларни иштирокида махсус тарозида тортишганида соф оғирлиги 3,57 грамм чиққанини, ҳақиқатдан ҳам ушбу гашиш гиёҳвандлик воситасини ўзининг истеъмоли учун ёнида сақлаб юрганини, мастлиги учун ИИБ ходимларидан кўрқиб ўзи ўтирган машинани олди ўриндиғини пастки қисмига яшириб қўйганини, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, якка ўзи яшашини, оиласи билан ажрашиб кетганини, 2-гуруҳ ногирони эканини, оилавий шароити ўта оғирлигини, МФЙда кам таъминланган оила сифатида рўйхатда туришини билдириб, судда қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Мансуров судда, 2025 йилнинг 7 апрел куни соат 15<sup>00</sup>ларда таниши М.Рустамов уцнга телефон қилиб, қаерда эканини сўраб, олдида келишини айтганини, уни уйига борганида, уйда усталар ишлаётган эканини, М.Рустамов бугун туғилган куни эканини айтганини, унга Пайнет шохобчасида табрик қилдириш учун 60.000 сўм пулларни тўлаганини, кейин бирга ўтириб туғилган кунини нишонлашни маслаҳатлашганини, Ўткир акани ҳам машинасида бориб олиб келишганини, кейини Маданият МФЙ марказига боришганини, М.Рустамов ва Ўткир ака иккиси у ердаги спиртли ичимликлар дўконидан 0,5 литр ҳажмдаги ароқни сотиб олишганини, сўнг ўша ердаги ошхонага кириб овқатланишганини, М.Рустамов ва Ўткир ака иккиси овқатланиш мобайнида спиртли ичимлик истеъмол қилишганини, ўзи эса автомашина рулида бўлганлиги сабабли спиртли ичимлик истеъмол қилмаганини, соат 22<sup>00</sup>ларда ошхонадан туриб, машинага ўтириб, Маданият МФЙ марказидаги Марказий истироҳат боғини олдида келиб тўхташганини, шунда ёнларидан Миллий гвардия ходимлари ўтиб кетаётган вақтида



М.Рустамов мастлиги учун бақир-чақир қилиб юборганини, Миллий гвардия ходимлари М.Рустамовни ўзларини машинасига ўтиртириб, уларга орқасидан ҳайдашларини айтганини, ўзига тегишли бўлган “Нексия” русумли 60 W 621 ВА давлат рақамли автомашинасини уларни орқасидан ҳайдаганини, ИИБ биносига боришганини, ИИБ ходимлари уни автомашинасини холисларни иштирокида кўздан кечирганида, М.Рустамов ўтирган автомашинанинг олди ўриндиғини пастки қисмдан оқ рангли целлофан пакетга ўралган 1 бўлак ўткир ҳидли модда ҳамда автомашинасини орқа ўриндиғида гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш учун махсус тайёрланган 1 дона елим баклашка борлиги аниқланиб, ИИБ ходимлари улардан ушбу нарсаларни нима эканлигини сўрашганида, Ўткир ака иккиси ушбу нарсаларни нима эканини билмасликлари, уларга тегишли эмаслигини айтишганини, М.Рустамов эса уларга оқ рангли целлофан пакетдаги нарсани гашиш гиёҳвандлик воситаси эканини, 1 дона елим баклашкани эса ушбу гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиши учун махсус тайёрлаганини айтганини, кейин ИИБ ходимлари ушбу нарсаларни уларни ва холисларни иштирокида текшириб кўришлик учун ашёвий далил тариқасида олишиб, пакетга солиб муҳрлашганини, М.Рустамовни илгари гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишини эшитганини билдириб, кўрсатув берди.

Тарафларнинг розилиги билан гувоҳ Ў.Холмирзаевнинг дастлабки терговда берган кўрсатуви судда ўқиб эшиттирилди.

Иш бўйича ўтказилган суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 8 апрелдаги 371-сонли хулосасига кўра, М.Рустамовдан олинган модда ўз таркибида фаол гиёҳванд модда - тетрагидроканнабинол моддасини сақлаши ва гашиш деб аталиши, унинг соф оғирлиги 3,57 граммга тенглиги ҳамда 1 дона елим баклашкада фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддаси излари (следы) мавжудлиги;

- суд-наркология экспертизасининг 2025 йил 11 апрелдаги 222-сонли хулосасига кўра, М.Рустамовнинг гиёҳвандлик касаллигига чалинганлиги ва у мажбурий даволанишга муҳтожлиги аниқланган.

Юқоридагилардан ташқари, суд, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг музокара фикрларини эшитиб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи М.Рустамовнинг мазкур жинойтни содир этганлиқдаги айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқроп ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиб берган кўрсатуви ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари, тергов жараёнида ҳамда жинойт ишида тўпланган бошқа қуйидаги, яъни:

- ашёвий далилни олиш ҳақидаги баённома билан (и.в.5-6);
- назорат тартибида соф вазнини аниқлаш баённомаси билан (и.в.7-8);
- суд-кимёвий экспертизаси хулосаси ва унга илова қилинган фотоилова билан (и.в. 17-19);
- суд-наркология экспертиза хулосаси билан (и.в. 23);
- ашёвий далил деб эътироф этиш ва жинойт ишига қўшиш қарори ва унга илова қилинган квитанция билан (и.в. 32-37) ҳамда жинойт ишидаги



далиллар мажмуида аниқланган ҳолатларга тўла мос келиши, далиллар мажмуини тўлдириши билан ҳам тасдиқланди.

Суд, жиноят ишида тўпланган М.Рустамовни ҳам айблайдиган, ҳам оклайдиган далилларнинг ҳар бирини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси асосида баҳолаб, юқорида қайд этилган далилларнинг ҳар бири ва унинг мажмуи, унинг айбини тасдиқловчи бўлганлиги туфайли ишга алоқадор деб, қонунда белгиланган тартибда тўпланганлигини назарда тутиб, уларни мақбул деб, суриштирув, дастлабки тергов даврида ва судда бир хил баён қилинганлиги ва мантиқан бир бирига мос ва ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи бўлганлигини назарда тутиб, ҳуқуқий онгга амал қилиб, уни ишончли деб баҳолаб, айтилган вақтда, далилларнинг мажмуини уни ЖПКнинг 82-моддаси асосида айблаш ва ҳукм қилиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Рустамовнинг жинойий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисидаги 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 878-сонли қарорининг 4-иловасига кўра, 2,0 граммдан ортиқ гашиш гиёҳвандлик воситаси кўп миқдорни ташкил этиши белгиланган.

Шу ўринда, Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг (03.07.2020 йилдаги 12-сонли қарори таҳририда) 6-бандида, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эғалик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозимлиги, бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Дастлабки тергов органи юқорида қайд этиб ўтилган Вазирлар Маҳкамаси ва Олий суд Пленуми қарорларида берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, М.Рустамовнинг ёнида соф вазни 3,57 грамм кўп миқдордаги гашиш гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаганликдан иборат ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилган бир вазиятда, унинг ҳаракатини ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ортиқча квалификация қилиб, хатога йўл қўйган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖК 77-моддасининг 4-қисмида судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб



ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлиши;

78-моддаси “г” бандида, озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин икки йил ўтгач, шахнинг судланганлик ҳолати тугалланиши кўрсатилган.

Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 27-бандида, судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, шахнинг ЖК 270-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 271-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 273-моддаси учинчи қисми “а” банди, ЖК 274-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 276-моддаси иккинчи қисми “б” банди билан жинойий жавобгарлиги, у муқаддам ЖК XIX бобида назарда тутилган бирон-бир содир этган жинояти учун судланган ҳолдагина келиб чиқиши, агар шахс муқаддам содир этган жинояти учун жинойий жавобгарликдан озод этилган ёки судланганлик ҳолати тугалланган ёинки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса, қилмиш мазкур белги билан квалификация қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан юқорида қайд этиб ўтилган Қонун талабига ва Олий суд Пленуми қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилинмаган.

Хусусан, дастлабки тергов органи судланувчи М.Рустамовнинг жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2022 йил 26 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан 1 йил озодликни чеклаш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2022 йил 18 ноябрдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ўталмаган 7 ой 4 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатида илгари шартли озод қилинганлигини, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганидан сўнг, орадан икки йил ўтиб, 2024 йил 18 апрелда судланганлик ҳолати тугалланганлигини эътибордан четда қолдирилган.

Шу сабабли, суд, судланувчи М.Рустамовнинг зиммасидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” бандини чиқаришни лозим деб топади.

М.Рустамов томонидан содир этилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кирса-да, бу турдаги жиноятларни аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солиши, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши, бошқа ижтимоий муаммолар келтириб чиқариши жиҳатидан ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланишини назарда тутиб, унга нисбатан жазо тайинлаб ҳукм чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши;



ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Шу ўринда, Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги;

2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 12-сонли қарори 34-бандининг учинчи хатбошисида, жумладан судлар гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаган, олган, сақлаган шахсларга нисбатан, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиш шартлиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Конституция ва Қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб:

- судланувчи М.Рустамовга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда, у томонидан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, 2-гурух ногирони эканлигини, муқаддам судланмаган деб ҳисобланишини, оиласи билан ажрашганлигини, яқка ўзи истеъмоқ қилишини, оилавий шароити оғирлигини Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бор деган қатъий хулосага келиб, у айбланаётган ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан қонун санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлаш, унга жазони ўташ даврида Пахтаобод тумани ИИБнинг рухсатсиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, наркотик моддалар истеъмоқ қилмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқ (чеклаш)лар, шунингдек даволаниши ёки бошқа зарурият туфайли яшаш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақида Пахтаобод тумани ИИБга дарҳол маълум қилишлик мажбуриятини юклаш;

- шунингдек, Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 32-бандидаги, ЖКнинг 96-моддасига



мувофиқ гиёҳвандлик ёки захарвандликдан мажбурий даволаш нафақат озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан, балки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ҳолларда ҳам тайинланиши мумкинлиги ҳақида берилган тушунтиришдан келиб чиқиб, суд-наркология экспертизасининг хулосасига кўра, судланувчи М.Рустамов гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиши, гиёҳвандлик касаллигига чалингани ва мажбурий тартибда даволанишга муҳтожлиги аниқланганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан тиббий муассасаларда мажбурий даволаниш чораси белгилаш ва уни ижро этишни Пахтаобод тумани ИИБ зиммасига юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ашёвий далиллар масаласини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси асосида муҳокама қилиб:

- иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, ҳозирда ДХХ Андижон вилояти бошқармасида сақланаётган тадқиқот учун ишлатилганидан қолган соф вазни 3,53 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси ҳамда Пахтаобод тумани ИИБда сақланаётган 1 дона елим баклашкани ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Рустамов Музаффар Мамажонович Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Пахтаобод тумани, Чорбоғ МФЙ, Истироҳат кўчаси, 31-уйдаги яшаш хонадонидан чиқишни чеклашдан иборат 3(уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

М.Рустамовга Пахтаобод тумани ИИБнинг рухсатсиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқ (чеклов)лар, шунингдек даволаниш ёки бошқа зарурият туфайли яшаш ёки иш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақида Пахтаобод тумани ИИБга дарҳол маълум қилишлик мажбурияти юклансин.

Жазони ўташ муддати судланувчи М.Рустамов жазони ижро этиш пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Пахтаобод тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклансин.

М.Рустамовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

М.Рустамовга агар жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан



илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

- жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ўташ даврида судланувчи М.Рустамовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий даволаниш чораси қўлланилсин ва уни ижро этиш Пахтаобод тумани ИИБ зиммасига юклансин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва ДХХ Андижон вилояти бошқармасида сақланаётган тадқиқот учун ишлатилганидан қолган соф вазни 3,53 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси ҳамда Пахтаобод тумани ИИБда сақланаётган 1 дона елим баклашка ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи эса ҳукмнинг нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг қассация тартибида шу суд орқали Андижон вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

У.Солиев



Раислик қилувчи: имзо. У.Солиев  
Ҳукм нусхаси аслига тўғри: У.Солиев  
туман судининг раиси У.Солиев

Раислик қилувчи: (имзо) У.Солиев  
Ҳукм нусхаси аслига тўғри. У.Солиев  
Жиноят ишлари бўйича Пахтаобод  
туман судининг раиси: У.Солиев

